



**Восит Ахмад шубхасиз буюк ёзувчи!**

**Воситжон, яхши юрибсизми? Койил, дўстим! Куйидаги хажвиянгизни ўкиб, кулиб котиб колдим. Бу каби асарлар рус ва инглиз тилларига зудлик билан ўгирилиши керак. Сиз шу хикоянгиз билан хажвчилик бобида хурматли мархум устозларимиз Гафур Гулом, Сайид Ахмад, Немат Аминовлардан хам ўзиб, турк ёзувчиси Азиз Несинни чангда колдириб кетибсиз! Мана буни хакикий санъат асари деса бўлади! Яшанг, огайни! Мен бу гапларни жахон адабиётини анча мунча кўздан кечирган, айникса дунё хажвчилигидан озрок бўлсада хабари бор бир ижодкор, мутахассис сифатида айтмоқдаман ва бу гапларим жиддий. Бундай санъат асарлари факат тоза калбли, халол ёзувчиларгагина Яратган Парвардигори Олам тамонидан ато этилади. Юраги ва рухи каро, гаразгўй, маразгўй хасадгўй майда кимсалар олди - кочди, сохта нарсаларни ёзиб, харчанд чираниб, уринмасин, эл назарига тушолмай сояда йўк бўлиб кетаверадилар. Сиз истеъдоди Худо тамонидан ато этилган хакикий маънодаги ёник, энг**

мухими, ўзбекнинг камтарин, энг буюк ёзувчиларидан бирисиз. Дўстона маслахат шуки, энди йирикрок планда, хажвий повестми ёки романми ёзсангиз яхши бўларди. Сизга ва Сизнинг ижодингизга юксак хурмат билан, Холдор Вулкон.

24/09/2015.

Кундуз соат 3:24 дакика ўтди.

Канада.

[Роман Холдора Вулкана "Жаворонки поют над полем". Читайте, очень интересное произведение.](#)



Восит Ахмад

## Шўрликкина китобим

(хажвия)

Агар сизда ҳам ёзиш дарди бўлса-ю, боз устига илк китобингиз чоп этилса кандай холга тушардингиз?! Менинг ҳам биринчи китобим нашр килиндию, ўзимни самоларда учаётгандек хис кила бошладим. Хамма нарса кўзимга гўзал бўлиб кўринарди, ёмон кўрган одамларимни ҳам ёктириб колдим.

Кувончим чексиз бўлган шундай кунларнинг бирида зарурат юзасидан туман идорасига кириб колдим. Унинг бошлигини адабиётга, ижод ахлига хурмати баланд деб эшитганим бор эди. Ишим осонрок кечишидан умид килиб, унинг хузурига йўл олдим. Кўлимда унинг

номига узун мактовлардан иборат дастхатим битилган илк китобим бор эди. Кутганимдек, у мени ниҳоятда яхши қабул қилди. Китобни олиб мамнун илжайди.

– Ҳа, зўр бўлибди, мен адабиётни жуда яхши кўраман. Ёзувчилардан дўстларим кўп. Улар қақ тоқ рига яна биттаси кўшилганидан мамнунман...

У гапирар экан, китобимни икки буклади.



Ламинантланган, силлик муковали китобим бир қиқ сирлади. Бу кулогимга огир инграш бўлиб эшитилди. Китобнинг ўртасида узун из пайдо бўлгани кўринмаса-да хис қилдим. Ичимда ҳам нимадир қисирлагандек бўлди. Шундан кейин у икки букланган шўрлик китобимни ички чўнтагига солмокчи бўлди. Узок уринди, китоб жонивор унинг тор чўнтақларига сига қолмади. «Уйда ўқиймиз-да» деганча китобни мажбурлаб чўнтагига ниқтар, қисир-қисир овозлар юрагимни тимдаларди. Менинг қовургаларим ҳам бир-бир қисирлаб қикди-ёв. Шу онда ўзимни бўралаб сўқдим. Шундай чўнтақларга-да сигиб кетадиган қилиб ихчамрок ҳажмда қикарсам бўларди-қу. Хайтовур, китоб чўнтаққа тушди шеқилли, муқлисим қўлини у ердан тортиди. Яхшиям, китобимнинг жароҳатларини кўрмадим, унга юрагим

дош беролмасди.

Кўнглим энди ўрнига тушиб ташрифим сабабини сўзламокчи эдим, бир хира пашша нак бошликнинг кўлига кўнди. Ундан юзига ўтди. Фаши келган бошлик уни бир-икки хайдади. Ўз оти билан хира пашша-да, айланиб келаверди. Бошлик энди унга астойдил касдлашди, у билан жанг қилишга қурол излади. Э, Худо, эсига китобим тушди чоги, уни яна чўнтагидан қисирлатиб олиб, пашшани ура кетди. Аммо хар урганда, мўлжали нотўгри тушар, китобим нола чеккандек бўлар, мен огзимни очиб нимадир дейишга чоғланардим-у, тилимга бир калима келмасди. Пашша канча хира бўлса, бошлик ундан ҳам баттар экан. Деворга кўнса деворга, столга кўнса столга китобимни шапиллатиб ураверди. Титилаёзган китобим ахволига карашга ботина олмай хўрлигим келарди. Хар урганда бошимда ёнгок чакилгандек бўларди.

Ахийри хона бурчагигача қувлаб борган бошлик пашшани ўлдириб голиб бўлиб кайтди. Китоб муқовасида мағлубнинг бир томчи қони сувалиб ётарди.

Бу холваси экан. Шу пайт хонага чой дамлаб қирган қотиба чойнакни стол устига қўйди-ю, балога қолди.

– Фаросат борми, иссик чойни лакланган янги столга қўясиз-а, – дея ўшқирди бошлик, сўнгра тағлик излаб атрофга разм солди. Кўзи эндигина тин олган китобимга тушиб уни олди-да:

– Ана, унинг устига қўйинг! – деди.

Бакириқдан ҳамон титраётган қотиба чойнакни китоб устига қўяётиб бир чайкаб юборди. Иссик чой китоб устига қуйилди. Устимдан иссик сув қуйиб юборилгандек бўлди. Бошлик менга қаради:

– Нега кизариб кетдингиз, уялманг. Айтаверинг, дардингизни.

Менинг жахлим чикканда кизариб кетишимни бу «китобсевар» қайдан билсин. Ўзимни босиб, энди гапга огиз жуфтлагандим, телефон жиринглади. Каттарок жойдан кўнгирок бўлди шекилли, ўрнидан туриб гаплаша бошлади. Менга эса, кейинрок келинг имо-ишорасини қилди.

Тарвузим қўлтигимдан тушиб ташқарига чикдим. Лекин шўрлик китобимдан узоклашганим учун енгил тортдим. Бир неча кундан бери мени чулғаб олган хурсандчиликдан асар ҳам қолмаганиди.

Бир неча кун ўтказиб, бошликнинг бўш вақтини топдим-да хонасига кирдим. Биринчи нигоҳим тушган жой чойнак бўлди. Хайрият, остида китобим йўқ эди. Ховурим пасайиб, уйига олиб кетиб ўқиётган бўлса керак, дея ўйлаб турувдим, янглишган эканман. Китобим икки букланганча телевизор остидаги стол оёқлари остида пона сифатида

эзгиланиб ётарди. У ерга киришим сабаби хам ёдимдан чикиб кўлларим титраганча китобимни кўрсатдим. Тилимга эса шу сўзлар келибди.

– Ўзи, ўкидингизми?

– Албатта-да, яхши ёзилган. Яхши шеърлар экан.

Бошимдан совук сув куйилгандек бўлди. Ахир китобим хикоялар тўплами эди-да. Бошлик эса менга тасалли берди:

– Нега кизариб кетдингиз. Жа, камтарсиз-да. Мактаганимга...

Газабим кўзгаганда кизариб кетишимга хамон фахми етмабди. Шунда китобим томонга тез-тез караётганимни кўриб писанда килган бўлди.

– Яхши одамларнинг китоби нафакат ўқишда, бошка максатда хам одамлар хизматида бўларкан. Масалан, Али Камбарнинг романи сабзи тахта ўрнида хўп ярапти. Сойиб Ғойибнинг киссаси залимиздаги хонтахта оёғи остидан жой олган. Хонтахта атрофига не-не казо-казолар йигилади. Хам хизматда, хам реклама. Азиза Канизанинг шеърлар тўпламини Африкадан келтирилган ажабтовур кактус гултуваги остига кўйганмиз. Булар обрўми, обрў...

Мен бу сўзлардан минг газабланмай, унинг писандасида «Сен хафа бўлмасанг хам бўлади» деган кинояни укдим-да, ортимга кайтдим.

Энди ундан киладиган илтимосим хам ёдимдан кўтарилган, бундан буён китобимнинг кейинги тақдири билан кизикиб, у ерга кирардим. Кейинги гал китобим стол оёқлари остидан халос бўлганидан севинибман. Аммо яна хатога йўл кўйган эканман. Бошлик ким биландир, балки котиба ила бурчакдаги кичик стол атрофида чой ичишган-у, ортган колбасани китобим саҳифасига юмалоклаб ўраб кўйганди. Яна газабланиб чикдим-у, кейинги гал албатта бошқаликка «санчиб-санчиб» гапирай, деб алоҳида тайёрланиб кирдим. Китобим кўринмасди. Хонанинг теграси бўйлаб анча кўз югуртирдим. Газабим пасая борди. Юзимдаги кизиллик хам йўқолган бўлса керак. Аммо деразага карадимму... Деразанинг синган ойнаси ўрнига саргайган, титилган, ковжираган китобимни кокиб кўйишган эди.

– Киш чиксин, албатта авайлаб олиб кўямиз ва уни ўқиймиз, – дея писандсизлик билан изоҳ берди бошлик.

Мен сўзсиз у ёкка интилдим. Лабларим кимирларди-ю, овозим чикмасди. Элас-элас эслайман. Котиба кабулхонада чой куйиб бериб анча ўзимга келтирди. Аста-аста кадам ташлаб ташкарига йўналдим. Аммо кўчада бир танишимнинг гапи дард устига чипкон бўлди.

– Дўстим, китобингиз чикибди. Бизга хам беринг, ўқийлик.

Шу онда унга нимадир дебман, лекин эслай олмайман. Лекин у мендан худди жиннини кўрагандек кўркиб, узоклашганини аранг эслайман.

**«Соқ гайганимда» айтиб беришларича, мен танишимни шундай сўзлар билан сийлабман:**

**– Кечирасиз, сиз янглишдингиз. Мен китоб чиқ карганим йўк. Мен пашша ўлдирадиган мослама чикардим. Чойнак остига таглик чикардим. Стол осқ тига понаю, дераза ойнасига копкок тайёрладим. Хар хил таомлар ўрайдиган, – дея кўлимни воронка килиб, унга дурбиндан карагандек килик килибман. – жихоз чикардим. Хуллас, у китоб эмас, матох, мақ тох, дея кичкирибман-у...**

**“Ёшлик” журнали, 2014 йил, 6-сон**

**Манба: Давронбек Тожиалиевнинг "Зиё.Уз" портали.**



Андижон ўлкашунослик музейи. Бу жойга ёзувчи шоирлар рассомлар, адабиётшунос олимлар тез тез йигилиб, турли бадиий анжуманлар ўтказилар эди.